

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Наманган вилояти телерадиоканали” ДМ
директори, бадий кенгаш раиси:
 **М.Максудов**

**“Наманган вилояти телерадиоканали” давлат муассасаси
ходимларининг кенгайтирилган йиғилиши баёни**

№ 50

Наманган шаҳри

2025 йил, 22 декабрь

Раислик қилувчи:

И.Содиқов - “Наманган вилояти
телерадиоканали” ДМ директори
ўринбосари.

**Наманган вилояти адлия
бошқармаси ННТ бўлими бошлиғи:**

З.Ахмедходжаева

Қатнашдилар:

телерадиоканал ижодий ва
техник ходимлари

КУН ТАРТИБИ

1.Кўрсатув ва лавҳалар тайёрлашда ўрнатилган тартибдаги талабларга амал қилиш, белгиланган хронометражлардан вақтини оширмаслик ҳамда янги йил кўрсатувларини зудлик билан тайёрлаш чораларини кўриш.

2.“Наманган вилояти телерадиоканали” ходимларини Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги 931-сон Қонуни билан таништириш.

(И.Содиқов, Б.Мамажанов, Н.Инамов, Р.Исомиддинова, А.Умарова,
М.Нишонов, У.Каримов, Ғ.Бабаев, З.Ахмадхўжаева И.Содиқов)

Йиғилишни вилоят телерадиоканали директори ўринбосари И.Содиқов олиб борди. Дастлаб, ҳар куни эфирга узатиладиган лавҳа ва кўрсатувлар сарҳисоб қилинди.

Директори ўринбосари тайёрланаётган телерадиомахсулотларнинг ғоя ва мазмун жihatдан сифатли бўлиши, айниқса, “Namangan” ахборотига жойлаштириладиган лавҳа ва репортажларнинг вақтини 2:30 дан 3:20 дақиқагача тайёрлаш, ҳар бир матн охирида мухбир, тасвирчи ва монтажчининг исми фамилияси, вақти, санаси, монтаж компютери рақамлари тўлиқ компютерда ёзилиши, гонорар ёзишда бўямаслик, (штрих)дан фойдаланмаслик кераклигини тушунтирди.

Яқинлашиб келаётган “Янги йил” кўрсатув ва эшиттиришлари, анонслар тайёрлашни тезлатиш, заставкалар, отбивкаларни зудлик билан эфирга жойлаштириш юзасидан топшириқлар берди.

Шундан сўнг, ходимларини Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни билан таништирди. Наманган вилояти адлия бошқармаси Нодавлат нотижорат бўлими бошлиғи Зулфия Ахмедходжаева мавзуни давом эттириб унинг мазмун-моҳияти ҳақида ходимларга янада чуқурроқ тушунча ва маълумотлар берди. У ўз сўзида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва коррупцияга барҳам бериш, телерадиоканалнинг барча фаолият соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш, аҳолининг телерадиоканал фаолияти юзасидан ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, ходимлар фаолиятининг шаффофлиги ва хулқ-атвор меъёрларига мувофиқлигини таъминлаш юзасидан ўз фикр мулоҳазаларини билдирди. Шунингдек коррупциявий ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини айтиб ўтди.

Йиғилишда назорат ва хатлар масъалалари бўйича 1-тоифали мутахассис И.Азизова, “Namangan” телеканали бош муҳаррири ўринбосари А.Умаровалар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

Йиғилиш қарор қилади:

1. Тайёрланаётган телерадиомахсулотларнинг ғояси, мазмуни, хронометражига алоҳида эътибор қаратилсин. (Б.Мамажанова, Н.Инамов, Р. Исомиддинова)
2. Кунлик гонорар ёзиш тартибли амалга оширилсин. (Б.Мамажанова, Р. Исомиддинова)
3. Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонунининг мазмун-моҳиятини чуқурроқ ўрганилиши таъминлансин. (Б.Мамажанова, Н.Инамов, Р. Исомиддинова)

4. Бадий кенгаш қарорларининг бажарилиши устидан назорат директор ўринбосари И.Содиқовга юклатилсин.

Баёнлаштирувчи:



А.Умарова

И.Содиқов




Телерадиоканал директори ўринбосари,
Бадий кенгаш аъзоси;

Б.Мамажанов



“Namangan” телеканали бош мухаррири,
Бадий кенгаш аъзоси;

Р.Исомиддинова



“Namangan” радиоканали бош мухаррири,
Бадий кенгаш аъзоси;

М.Нишонов



Бош мухандис
Бадий кенгаш аъзоси;

У.Каримов



Бош ҳисобчи, Бадий кенгаш аъзоси;

Ғ.Бабаев



Олий тоифали режиссёр,
Бадий кенгаш аъзоси.